




ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМ



XVI сароси
Барча маълумлардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Германия Федератив Республикаси вице-канцлери, ташқи ишлар вазири Йозеф Фишерни қабул қилди.
- Олий Мажлис ҳузурдаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтда компаниялар тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамияти ўртасида тузилган шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимлар доирасида бириктириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.
- Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» муҳомонасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — АҚШ савдо палатасининг навбатдаги мажлисида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.
- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда россиялик олимлар, фан аربоблари ҳамкорлигида «Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юрларида журналистик таълим концепциялари» масаласига бағишланган илмий-услубий семинар бўлиб ўтди.
- Бухорода республика поляк маданий марказининг шохобчаси фаолият курсата бошлади.
- **Бугун** Фарғонада «Саломатлик» спортмайдонига очилди.

Жаҳонда

- **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистонга келди. У Вероловда сув тошқинидан хабарланган туманларни кўздан кечирди.
- Япония Бош вазири Дзюньитиро Коидзуми мамлакат парламентидagi ўз чиқишида АҚШ Президентини Жорж Буш билан Италиянинг Генуя шаҳрида санокли кунлардан сўнг бошланган «Катта сажкизлик» саммити олдидан учрашиш нияти борлигини маълум қилди.
- **Кеча** Ереванда МДХ мамлакатлари хавфсизлик кенгаши раҳбарларининг саммити очилди. Унинг ишида Россия, Арманистон, Қозғоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон хавфсизлик ризматига раҳбарлари катнашмоқда. Ўзбекистон ва Грузия қузатувчи сифатида иштирок этмоқда.
- АҚШнинг Вьетнамдаги элчиси Дуғлас Петерсон истеъфода чиққанини маълум қилди. Унинг бундай қарори Оқ уй расмийлари учун кутилмаган воқеа бўлди.
- **Кеча** Исроил мудофаа армияси қўмондонлиги Газа минтақаси ҳудудида ва Йордан дарёсининг фарбий соҳилида ўт очини тўхтатиш тўғрисида фармойиш берди.
- Фаластин мухториятининг раҳбари Есир Арофат Франция пойтахти Парижда келди.
- «Жаҳон» ахборот агентлигининг хабар беришича, Францияда чиқадиган «Ле Фигаро» ҳафталик газетасида Ўзбекистонга, жумладан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга бағишланган катта мақола чоп этилди.
- АҚШ ҳукуматининг баёнот беришича, Хитой жорий йилнинг охиридаги бориб Жаҳон савдо ташкилотига кириши мумкин.
- Жазаорда «Спорт оркали дўстлик» шiori остида ўз фаолиятини амалга оширадиган Халқаро харбий спорт кенгаши (CISM) нинг 58-БШ оғсамблясида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.
- Ўзбекистон енгил атлетикачилари Таиланд очик чемпионатида турли даражалардаги ўнта медални кўлга киритдилар.
- Туркияда одатдан ташқари танлов ўтказилди. Танлов иштирокчилари бир-бирларидан қучлироқ овозда бақирдилар керак эди. Валюта фондидан норозилигини ўз бақирдилари билан изҳор қилган ишчи ушбу танлов ғолиби бўлди. Унга 1 миллион турк лираси (салкам 300 Америка доллари) топширилди.
- Worth журналининг йиллик рейтингига кўра, АҚШнинг Юлтерн Айленд шаҳри қаторасига учинчи марта энг бой шаҳар деб тан олинди.

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 60 (9.557) 2001 йил 25 май, жума Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, «Интернет»га кириб боришини кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича махсус ишчи гуруҳ ташкил этилсин.
2. Махсус ишчи гуруҳ: республикада компьютер ва ахборот технологияларини ташкил этиш ва ривожлантириш, дастурий таъминлаш, компьютер асбоб-ускуналари ва ахборот тармоқлари соҳасида кадрлар тайёрлаш, «Интернет»нинг халқаро ахборот тармоқларига кириб бориши ҳолатини ва унинг амалий қўлланилиши даражасини чуқур ва батафсил ўрганиб чиқсин; мазкур таҳлил асосида уч ой муддатда 2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини киритсин.
- Дастур лойиҳасини шакллантиришда: иқтисодиёт тармоқларида, умумтаълим мактаблари, коллежлар ва лицейлар, олий ўқув юрларининг ўқув жараёнида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш; республиканинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали дастурчилар ва мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш даражасини ошириш; дастурий таъминлаш, компьютер ва тармоқ асбоб-ускуналари, рақамли телекоммуникациялар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ташкил этиш; республика ўқув ва тадқиқот муассасалари, корхоналари ва ташкилотларининг халқаро ахборот тармоқларига, шу жумладан, «Интернет»га кенг кириб боришини таъминлаш; компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида асбоб-ускуналар ва техник воситалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш; компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.
3. Махсус ишчи гуруҳ Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлашда ахборот тизимлари ва тармоқларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигига, истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш, тармоқ стандартлари ва нормативларини белгилашга доир ишларни мувофиқлаштирувчи Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказини ташкил қилиш юзасидан тақлиф киритсин.
4. Республика корхоналари ва ташкилотларидан, халқаро ташкилотлардан ҳомийлиги, шунингдек, хорижий инвесторларни кенг жалб этган ҳолда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил қилиш мақсадаги мувофиқ деб ҳисоблансин.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 23 май.

Сўнги кўнғироқ қувончлари



БУГУН

шаҳримиздаги ҳамма 317 умумий таълим мактабларида навбатдаги ўқув йили туганлиги, кўйи синф ўқувчилари учун таътиллار ва битирувчилар учун давлат якуний аттестацияси бошлангилigidан хабар беришчи сўнги кўнғироқ байрамлари бўлиб ўтди.

Жорий йилда 15.600 дан зиёд ёш ўн биринчи синфни, 37 мингга яқин ёш эса тўққизинчи синфни тугатади. Шу нарса диққатга сазоворки, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурга мувофиқ, шаҳар ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг биргаликдаги сазў-ҳаракатлари шарофати билан битирувчиларнинг мамлакатда иқтисодий ислохотларни давом эттириш учун асосатдан касб ва билимларни чуқур эгаллашлари учун мустақим пойдевор яратилди. Тўққизинчи синфни битирганларнинг тўққиз фоизга яқини академик лицейларда, 27 фоизи касб-хунар коллежларида, 21 фоизи бизнес-мактабларда таълим олишни давом эттиради. Ҳукуматнинг биринчи шаҳар конференциясида, мактаблардаги педагогик кенгашларда, туман конференцияларида Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг бажарилиши борасидаги биринчи босқичга яқинлар чиқарилди. Яқунлар халқ таълимини ислох қилиш жараёнида ижобий ўзгаришлар юз берганлигини яққол кўрсатди. Таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштириш, янги педагогик технологияларни жорий этиш, янги ўқув дастурлари ва дарсликларни бўйича ишлар ана шулар жумласидандир. Бундай сазў-ҳаракатлар ўзининг самарасини бермоқда. Шаҳримиз ўқувчиларининг Республика Олимпиадасида жамoa ҳисобида биринчи ўрин эгаллаши, 11 соврин эгаси соҳиби бўлиши ана шу қилинган ишларнинг махсулидир.

Шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари, маҳалла қўмиталари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган сўнги кўнғироқ байрамларида яқунланган ўқув йилига дастлабки сарҳисоблар чиқарилди. «Энг яхши оила», «Энг намунали ота», «Энг намунали она», «Алло ўлим» номинациялари бўйича ғолиблар шарафланди, танловлар ва олимпиадаларда, мусобақаларда ғолиб чиққанларга ёрликлар топширилди.

Сўнги кўнғироқ шодийналари ҳар бир мактабда ўзгача хос тарзда ўтказилди, ҳар бир мактабда битирувчилар ўзига хос тарзда шарафланди, уларнинг ҳаммаларига энг яхши эзгу тилаклар ва дил изҳорлари билдирилди, ҳаётда доимо фаол ва қатъиятли бўлиш, мамлакат учун керакли инсон бўлиш, ҳар қандай қийинчиликларни енга оладиган инсонлар бўлишига истақлар билдирилди.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик санасини нишонлашга қизгин ҳозирлик қўрилайтган мамлакатимизда болаларнинг мактаб ўқувчилиги йиллари бахтли ва эсда қоларли бўлиши учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Энди эса мактабда олинган сабоқларни, ўқитувчилардан олган билимларни ҳаётда кўрсатиш фурсати келди. Бугун шаҳримиз мактабларида уни бундан буён бир умрга тарқатадиганлар билан ва уч ойлик ёзги таътилни ўтказадиганлар билан хайрлашув ўтказилди, эртага эса дастлабки имтиҳонлар, давлат аттестацияси яқунлари, билимларни синаш вазифаси турибди.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТДА: пойттахтимиздаги 17-мактаб-гимназияда сўнги кўнғироқ қувончлари. Мактаб директорининг ўринбосари, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Хулқар Алимбекова ўқувчилар орасида.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ


Сайловларга бағишланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган матбуот анжумани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди. Унда сайловлар республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим тадбир эканлигига алоҳида эътибор қаратилди. Шунинг билан керакки, Тошкент шаҳрида 445 та маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайланади. Шаҳримиз барча маҳаллаларида сайловларга тайёргарлик ишлари

ниҳоясига етказилган. Айрим жойларда эса сайловлар бошлаб юборилди. Оқсоқолларни танлашда аввало уларнинг ташкилотчилик қобилияти, раҳбар лавозимидagi иш тажрибаси, аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори, ташаббускорлиги ҳисобга олинмоқда. Сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш ишчи гуруҳи сайловларнинг муқобиллик асосида ўтишига ҳам жиддий эътибор қаратади. Матбуот анжуманида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-қувватлаш жавоб олдилар. **(Ўз муҳбиримиз).**

Ҳамкасбларимизни кутлаймиз!

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати Ватанимиз мустақиллигининг шонли 10 йиллиги арафасида халқимизнинг азалий ва навқирон айёмини гўзал ва бетакор кўринишида ифодалаган, истиқлол даври, унинг кишиларини тафаккурини янгилашдаги бемисл аҳамиятини кўтаринки руҳда тадқиқ ва талқин эта олган тахрирлар ва ижодкорларни «Наврўз—боқий байрам-2001» танловига ғолиби деб топди. Ана шу ижодий танловда «Энг яхши фотосурат» номинациясида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинган туркум фотосуратлари учун «Оқшом» газеталарининг фотомухбирлари **Тоҳир Нигматуллин** ва **Сергей Любич** ғолиб деб топилдилар. Ғолиблик муборак, ҳамкасблар!



«ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ-2001»

Ғолиблар тақдирланди

Ўтган куни мактаб ўқувчилари ўртасида Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Олимпиада умидлари-2001» Республика мусобақалари финал босқичининг охириги ўйинлари бўлиб ўтди.

Умумий натижаларга кўра ўсмирлар ўртасида ҳам, қизлар ўртасида ҳам баскетбол бўйича хурмат шоҳсупасидаги энг юқори ўрин пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 182-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Хар бир ўйинда рақибларидан камидан 30 тадан очко ўзган ҳамшаҳарларимиз ҳақли равишда мусобақа ғолиблари бўлдилар.

Кўл тўпи бўйича ўсмирлар ва қизлар турнирларида Ҳамза туманидаги 204-мактаб ўқувчиларига тенг келадиганлар топилмади.

Шахмат бўйича ғолиблик Миробод туманидаги 110-мактаб ёш спортчиларига насиб этди.

Волейбол мусобақаларида ҳам омад яхши тайёргарлик кўрган тошкентлик спортчиларга кулиб боқди. Бунда қизлар ўртасида Миробод туманидаги 60, ўсмирлар баҳсида эса А. Икромов туманидаги 107-мактаб ўқувчилари галаба нашидасини сурдилар.

Акмал Икромов туманидаги 49-мактаб енгил атлетикачилари ҳам ушбу баҳсларда турнир ғолиблари бўлишди.

Фақат футбол турнирида наманганлик ёш

чарм тўп усталари ғолиб чиқишди.

Шундай қилиб етти та спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларнинг олтитасида тошкентлик ўқувчилар ғолиб чиққан ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин наманганлик, учинчи ўрин эса андижонлик спортчиларга насиб этди.

КЕЧА

«Пахтакор» марказий стадионида мусобақанинг тантанали ёпилиш ва ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда ўз спорт турлари бўйича биринчи ўринни олган жамоаларга олтин нишонлар, диплом ва бош соврин — махсус биллур Кубок, қимматбаҳо совғалар топширилди. Совриндорлар ҳам кумуш ва бронза нишонлари, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари кўмитаси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, Давлат божжона кўмитаси, «Пахтабанк» каби ташкилотчи ва хомийлар томонидан ажратилган компьютер, телевизор ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобидаги ғолиб ва совриндорларга Халқ таълими вазирлиги ва Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари кўмитаси томонидан таъсис этилган компьютерлар топширилди.

Сўнг мусобақа катнашчилари ва стадионга ташриф буюрган ишқибозлар ўзбек эстрада юлдузлари — «Болалар», «Хўжа», «Шаҳзод», «Аъло», «Сетора», «Аббос» гурӯҳлари, Озода Нурсаидова, Руслан Шариповлар санъатидан бир олам завқ-шавқ олдилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТЛАРДА: ғолибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар. Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.



ТАДБИРЛАР

Мароқли учрашув

Ўзбекистон Миллий университетидан Москва Давлат университети журналистика факультети декани, профессор Ясиль Засурский билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик Тўрабек Долимов, Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков, ЎЗМУ журналистика факультети декани Қудрат Эрназаров билан бирга ушбу учрашувда журналистика факультети талабалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок эттишди.

Учрашув иштирокчилари журналистика соҳасидаги ютуқлар ва муаммолар, ҳозирги кунда хар икки давлат журналистикасининг ҳамкорлик самаралари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди. Сўнгги матбуот вакиллари ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан профессор Ясиль Засурскийга мурожаат этиб, тегишли жавоблар олишди.

Орзигул РУСТАМОВА, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

Сўранг, жавоб берамиз



Эшитишимизча метро йўналишини Сергели даҳасига қадар узайтириш режалари мавжуд экан. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р. Саидов.

Тошкент шаҳрини ривожлантиришнинг Бош режаси ва унинг комплекс транспорти схемаси бўйича ҳақиқатан ҳам метронинг Сергели йўналишини лойиҳалаш ишлари амалга оширилмоқда.

«Сергели» бекатидан «Отчопар» бекатигача бўлган йўналишнинг умумий узунлиги 9,2 километр бўлиб, унда 6 та бекат бўлади, бу бекатлардан 4 таси ер устида, 2 таси ер остида бунёд этилади. Мавжуд йўналишни метрополитеннинг ҳаракатдаги йўналишлари билан боғлаш учун Чилонзор йўналиши сўнги қисми қайта қурилади — «Собир Раҳимов» бекатидан «Чоштепа» бекатигача 2 километр узунликда ер ости йўли бунёд этилади.

Мен олий ўқув юртида ўқийман. Ўқиш даврида соғлиғимнинг ёмонлашгани туфайли академик таътил олишга мажбур бўлдим. Ушбу таътил даври меҳнат стажига қўшиладими?

М. Ҳамидова.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ ўқиш пайтида академик таътилда бўлган давр иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

Менинг ёшим ўн еттида, давлат корхонасида ишлайман. Қонунларимизда 18 ёшга тўлмаган шахслар учун иш вақтининг муддати қандай белгиланганлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Ф. Салимова.

Иш вақтининг муддати 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Фарзандим туғма ногирон. Айтингчи, Қонунларимизда ногирон болаларни тарбиялаётган ота-оналар учун имтиёзлар кўзда тутилганми?

Ш. Шодиева.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 230-моддасига биноан ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола 16 ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сурғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

Жавоблар ҳуқуқшунос Файрат АБДУҚОДИРОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига кўнги-роқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

ҚИСҚА САТРАРДА

□ **БОБУР** номидаги истироҳат боғида Оналар ва болалар йили ҳамда мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб Яққасарой тумани хотин-қизлар кўмитаси, ЭКОСАН жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Экология — болалар саломатлиги» деб номланди.

□ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида Республика олий ўқув юртлири талабалари ўртасида уч кундан буюн давом этаётган ўзбек фольклор санъати ва урф-одатларини тарғиб қилишга мўлжалланган «Ҳазина-2001» фестивали ниҳоясига етди.

□ **МАННОН** Уйғур номидаги 22-мактабда шу мактабни 1951 йилда битирган 29

нафар собиқ синфдошларнинг учрашув кечаси бўлиб ўтди.

□ **КЕЧА** «Тошкент-Палас» меҳмонхонасида тадбиркорлар иштирокида уч кун давом этган «Интеллектуал мулк ва бозор» мавзусидаги илмий-амалий семинар ниҳоясига етди.

□ **КЕЧА** Тошкентда корейс миллий-маданий маркази ташаббуси билан истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган корейс маданияти ҳафталиги кунлари бошланди. **БУГУН** эса шаҳримизда корейс миллий-маданий маркази янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

□ **ЎТГАН** куни футбол бўйича мамлакат Х миллий чемпионатининг олий лигасида «Пахтакор» жамоаси кечиктирилган 8-тур учрашувида «Кимёгар» устидан 2:0 ҳисобида галаба қозонди.

□ **ЭРТАГА** «Жар» спорт мажмуида катталар ўртасида қаратэ бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаларига старт берилади.

Жума

1

10.05 «Дар-интервью»
10.20 Жағр. мақаб.
10.30 «Яғни авлод» студияси: Шум боллар.
10.45, 12.30 Мусийк лихазар.
10.55 «Инспектор гунаҳлари». Телешоу.
11.15 «Ешлар» телеканалда спорт: Интeрфутбол.
13.00 Умед чеккари.
13.20 «Матриб тунлари». Бадий фильм 4-қисм.
14.10 Боллар куйлади.
14.20 Боллар экрани «Кўк кучи».
15.40 Ешлар сериал.
16.00 «Тош» Фильм-кочирт («Узбекистон»).
16.30 Халқаро болаларни химоя қилиш куни «Бейтэм».
16.50 Кўрсатувлар дастури.
17.35 Халқаро болаларни химоя қилиш куни «Яғни авлод» студияси: Катта танлафуз.
17.50 «Мултомоша».
18.10 Солиқ қанда сабоқлар.
18.45 «Олмиладга умидлари».
2001». Республика спорт мусобақаларини ёлтириш маросимида Бадий-муслик дастури.
18.10 Боллар куйлади.
18.25 Халқаро болаларни химоя қилиш куни: «Фарзанди-хилгарбанди».
18.40 Ошом навалари.
18.55, 21.55 Илким.
19.00 «Дар». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эшлар» лантисари.
19.35 Аскар мактаблари.
19.55 Ақр ийфаси.
20.15 Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йилгига «Оқд» қор фарзандлари.
20.30, 21.10, 22.30 Ёшлар.
20.35 «Сени излаб...» Телевизион бадий фильм.
21.15 «Болларимиз Сизга дармон». Мусийк дастури.
21.55 «Толан буюр адми».
22.05 Экранда кинодедукти «Толқу кучи». Бадий фильм.
23.30 «Ахборот».
00.10 «Олам». Телевизион махорат.
00.45-00.50 Ватан тинчликлари.

18.30, 21.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Экшом ила».
22.00, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Т 36, 6». Мусийк дам олиш дастури.
20.20, 21.30 «Табриклиймиз-кулагимиз».
22.20 «Узбеким навоиси».
23.00 «Муруват».
23.00 ТТВА сериал: «Селеста».
23.45 Охланг ва эшлар.
00.00 Киношоу. «Фан-фан мухаббат атоми».
1.20-1.25 «Хайриги тун шакри».

18.00 «Катта жумбоқ» телеуйини.
19.20 Вести - Москва.
19.50 Криси санс. А. Матлекин ва Л. Озолани «Икки томонлама қотил» детектив сериали.
22.25 А. Шенберков ва М. Лигалов «Урашувлар уйи» детективиде.
0.10 Охирги сериал. К. Ламберг «Горци 3: охири улоқ».
7.00, 8.00, 14.25 «Қуддан кунга».
7.45, 19.45, 1.05, 2.05 Йўл назорати.
10.00 Янгилмиклар.
10.20 Час бика.
10.25 Чироклар ўзини.
10.40 «Жағд» атом» детектив сериали.
11.50 «Пси-фактор IV» сериали.
12.50 Хавийи сериал. «Ўшбуни унчи саёраси».
13.15, 16.30, 17.55 «Теледун». «Харидонгиз унч рамайт!»
13.20 «Ўшбу», «Силан».
16.45 «Мен хаммасини билман» эшон шуси.
18.10 «Дислар айланган». Н. Немолова ва Н. Симашко билан.
19.05 «FASOH» башанг киймлар шуюси.
20.00 «Бугун» М. Максимова билан.
20.45 «XX арининг эн шовшувчи жинтоларни». «Грам Яғр. Захарович».
21.20 «ПЕТЕРС пол-шув».
22.20 «Бугун» М. Осмон билан.
22.40 «ТВ-6» кинотетри. Премьера. К. Истауд «Уста қўрмаган шогирди жағари фильмида».
1.25 Дисканал.

20.55 «Клип-сова». Телеабриқона.
21.45 «30-канал» киношоуи.
«Ола». Унч сюжетли фильм.
23.30 «30-каналда детектив соати».
5.00 «Хайриги тунг» телеканал.
8.00, 11.00, 14.00 Янгилмиклар.
8.15, 15.55 «Хайлиг касырлар» сериали.
9.15 «Шубха» кўпсерияли фильми.
10.15 «Қумуш шар» Э. Урбанский. В. Вульф олим борди.
11.15 «Хайриги тун» телеканал.
12.05 «Оси қалма». 3-қисм.
13.25 Э. Петросянин «Кулги панорамаи».
16.00 «Вести».
16.25 «Морена Криси». Сериал.
17.15 «Бугун оламда».
17.20 «До-ми-сола». Боллар шуюси.
18.00 «Кўлурчиллар. Текоур ердан».
17.15 М. Бардиқомилев «Қуддан элтиб қилиш» дастурида меҳмонда.
17.50 Шу ерда ва хазир.
18.00 «Кўлурчиллар. Текоур қилурлар».
18.55 «Мўхизлар майдони».
19.45 «Хайриги тун, кичкинтойлар».
20.00 «Фрема».
20.55 «Бизнес-рево».
21.05 «Душларин».
21.25 «Халқаро-Энгилмаз пайванда». Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган тоқ-шув.
22.05 «Синкер-клуб».
22.45 Кинограф. «Махсун Бадий меконимизда».
Бадий фильм.
00.20 «Тунингиз оудда бўлиш».

Шанба

2

9.35 Табаот оламда.
9.55, 11.15 Мусийк лихазар.
10.05 Ақр ийфаси.
10.25 «Ешлар» телеканалда спорт: Ринг миролари.
11.25 «Австриянинг 2700 йилгига «Бир улка-ки...» «Авесто» — бебаҳо маданият мароси.
11.45 «Далас» телешоуи.
12.30 Сиз севган «Байрам» гурду.
12.50 «Илдиз ва япроқ». Абдулла Орипов.
13.10 «Рамайна» Телевизион.
13.45 Халқаро тамоғига қарши кураш қунига бағишланган. Саломат бўлинг! 1-қисм.
14.15 «Ешлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.55 Саломат бўлинг. 2-қисм.
15.25 Ешлар навалари.
16.40 Хуқуқ ва бурч.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Яғни авлод» студияси: «Бру тузилма».
17.50 «Мултомоша».
16.45 «Юла тилида».
17.15 Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йилгига «Соғлом авлод жағмарани» сериали унч ушлардан ва кизлар ўртакчи кураш бўлича республика турири.
17.35 Ешлар куйлади.
17.45 Саломатлик сирлари.
18.05 «Футбол плас...».
18.25 Ешлар овози.
18.45 Ошом навалари.
18.55, 21.55 Илким.
19.00 «Дар». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 Каталог.
19.45 «Кулгимиз мекмон».
20.05 Мусийк лихазар.
20.10 Хайрат.
20.30, 21.10, 22.40 Ёшлар.
20.35 «Рамайна» Телевизион.
21.15 Кўнч халқосида.
21.45 Олти мерос.
22.00 «Дар» Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар.
22.45 «Инспекторлар». Бадий фильм.
0.15-0.20 Хайриги тун!

20.05, 21.05 «Табриклиймиз-кулагимиз».
21.55 «Узбеким навоиси».
22.25 «Қусто қоманданнинг сув ости саргузаштлари». Сериал.
23.15 «ТВ плас қолдулар».
23.35 Киношоу. «Бадди».
00.55 Охланг ва эшлар.
1.05-1.10 «Хайриги тун шакри».

18.00 «Катта жумбоқ» телеуйини.
19.20 Вести - Москва.
19.50 Криси санс. А. Матлекин ва Л. Озолани «Икки томонлама қотил» детектив сериали.
22.25 А. Шенберков ва М. Лигалов «Урашувлар уйи» детективиде.
0.10 Охирги сериал. К. Ламберг «Горци 3: охири улоқ».
7.00, 8.00, 14.25 «Қуддан кунга».
7.45, 19.45, 1.05, 2.05 Йўл назорати.
10.00 Янгилмиклар.
10.20 Час бика.
10.25 Чироклар ўзини.
10.40 «Жағд» атом» детектив сериали.
11.50 «Пси-фактор IV» сериали.
12.50 Хавийи сериал. «Ўшбуни унчи саёраси».
13.15, 16.30, 17.55 «Теледун». «Харидонгиз унч рамайт!»
13.20 «Ўшбу», «Силан».
16.45 «Мен хаммасини билман» эшон шуси.
18.10 «Дислар айланган». Н. Немолова ва Н. Симашко билан.
19.05 «FASOH» башанг киймлар шуюси.
20.00 «Бугун» М. Максимова билан.
20.45 «XX арининг эн шовшувчи жинтоларни». «Грам Яғр. Захарович».
21.20 «ПЕТЕРС пол-шув».
22.20 «Бугун» М. Осмон билан.
22.40 «ТВ-6» кинотетри. Премьера. К. Истауд «Уста қўрмаган шогирди жағари фильмида».
1.25 Дисканал.

20.05, 21.05 «Табриклиймиз-кулагимиз».
21.55 «Узбеким навоиси».
22.25 «Қусто қоманданнинг сув ости саргузаштлари». Сериал.
23.15 «ТВ плас қолдулар».
23.35 Киношоу. «Бадди».
00.55 Охланг ва эшлар.
1.05-1.10 «Хайриги тун шакри».

Якшанба

3

IV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Айборт»
8.35 «Камалак» Болалар учун кинодастур...

TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Клп-энтратк»
9.35 ТВ-метео
9.40 «Ҳаробит»
9.55 Киноанимация...

30 КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 12.00, 18.00, 20.15 - «Те-леканал» фойдаланиш вақти...

YOSHLAR

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Даво тоғи»
8.05 «Янги авлод» студияси...

PTP

6.10 Болалар учун фильм. «Карики ва малика»
7.50 Рус лотоси
8.40 ТВ Бинго шоу» Бутунроссия лотереяси...

TRB6

8.00, 13.50, 19.35 Йил назорати.
8.15 «ТВ-6 кинотеатри»
9.40 «Хамма боқка!»
10.05 «Қадридон жойдан ташқарида» хажайи сериали...

TRB

7.00 Саргушатув ва фантастика олами.
7.05 «Суперменнинг янги саргушатувлари»
8.00 НТВ каналда мусиқа...

TRB

7.00 Саргушатув ва фантастика олами.
7.05 «Суперменнинг янги саргушатувлари»
8.00 НТВ каналда мусиқа...

TRB

7.00, 13.00, 18.55 Хафта анониси.
7.05 Мультфильм «Терем-теремок»
7.30 «Секрети микрофон»...

TRB

4.00, 9.30 Аксийб ҳаёсларини.
4.30, 12.00 «Тўйлик» Хилда сериали.
5.30 Хотин-қизлар ҳаётидан...

TRB6

8.00, 13.50, 19.35 Йил назорати.
8.15 «ТВ-6 кинотеатри»
9.40 «Хамма боқка!»
10.05 «Қадридон жойдан ташқарида» хажайи сериали...

TRB

7.00 Саргушатув ва фантастика олами.
7.05 «Суперменнинг янги саргушатувлари»
8.00 НТВ каналда мусиқа...

TRB

7.00, 13.00, 18.55 Хафта анониси.
7.05 Мультфильм «Терем-теремок»
7.30 «Секрети микрофон»...

TRB

4.00, 9.30 Аксийб ҳаёсларини.
4.30, 12.00 «Тўйлик» Хилда сериали.
5.30 Хотин-қизлар ҳаётидан...

TRB

4.00, 9.30 Аксийб ҳаёсларини.
4.30, 12.00 «Тўйлик» Хилда сериали.
5.30 Хотин-қизлар ҳаётидан...

TRB6

8.00, 13.50, 19.35 Йил назорати.
8.15 «ТВ-6 кинотеатри»
9.40 «Хамма боқка!»
10.05 «Қадридон жойдан ташқарида» хажайи сериали...

TRB

7.00 Саргушатув ва фантастика олами.
7.05 «Суперменнинг янги саргушатувлари»
8.00 НТВ каналда мусиқа...

TRB

7.00, 13.00, 18.55 Хафта анониси.
7.05 Мультфильм «Терем-теремок»
7.30 «Секрети микрофон»...

TRB

4.00, 9.30 Аксийб ҳаёсларини.
4.30, 12.00 «Тўйлик» Хилда сериали.
5.30 Хотин-қизлар ҳаётидан...

TRB

4.00, 9.30 Аксийб ҳаёсларини.
4.30, 12.00 «Тўйлик» Хилда сериали.
5.30 Хотин-қизлар ҳаётидан...

Хотиржамлик ҳафтаси

● 26 май — шанба (Ойнинг 3/4 кунин).

Бу янги ойдаги дастлабки ноҳус куллардан бири, торттиш кунлари оқими янги ойда киши танасига катта оқ бўлиб тушади. Кенгайишдан торойиш сари узаришлар айнан ойнинг 4-кунига тўғри келади.

Кунни холироқ жойларда ва диққатни бир жойга тўплаб қилинган ва қилинажак шир ҳақида мулоҳазалар юритиш фойдали. Томоқ қизил ўнган бирмунча ноҳиллашади. Жигар ва ўт пуфгадида оғриқлар хуруж қилиши мумкин. Энг яхши даво — парhezга кириш қилишди. Тиш шифокорига мурожаат қилишингиз мумкин.

Кўрадиган тушларингиз пуч бўлиб, уларнинг таъбирини билишга беҳуда вақт сарфлашингиз ҳолати йўқ.

● 27 май — якшанба (Ойнинг 4/5 кунин). Янги ой таъсирида танадаги торойиш жараёнлари энг юқори даражага кўтарилади. Шунинг учун тановул қилинган барча таомлар охиригача хазм бўлади. Овқат таллашда иштаҳангизга қулқоқ солинг, аммо бўкиб таом ейишдан ўзингизни тийинг. Тўғридангизни вақтида ҳис этсангиз ҳамиша соғлом бўласиз.

Юрак хасталиқларга мойил бўлади. Ортиқча эҳтирослардан ўзингизни олиб қочиңг. Инфаркт, юрак камчилиги руй бериши мумкин. Беҳуда кучингизни сарфламанг. Зеро, бу сиздан одатий кунлардагидан кўпроқ ҳаётий энергияни сарфлашни талаб қилади. Юрак, бутун юрак-юрак томир тизимига жарроҳлик операцияси тавсия этилмайди. Тушларингиз тўғри хабарларга эга бўлмайди.

● 28 май — душанба (Ойнинг 5/6 кунин). Рағим ҳумо кунли бўлган бугунги кун башоратлар умид-қувончлар кунини ҳисобланади. Амалий ишларингиз яхши самара беради. Икждий изланишлар яқини кувончи бўлади. Оила даврасида фарзандлар тарбияси билан шугулланиш яқини анъаналарни ривожлантиришга ёрдам беради.

Нафас йўллари, ўпка хасталиқларга берилувчан бўлади. Шунинг учун бу аъзоларга эътиборли бўлинг. Нафас олиш машқлари, бадантирбия билан шуғулланг. Буйрақлар, қорин бўшлиғида жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди.

Тушларингиз ўз хатти-харакатларингиз ҳақида мушоҳада юритишга даъват этади. Қилимшларингизнинг самимийлигига эътибор беринг.

● 29 май — сешанба (Ойнинг 6/7 кунин). Шу кеча-кундузнинг сөрхи кучи афрор-муҳит билан ўзaro мулоқотда товушлар, дуолар воситасига мурожаат этиш билан боғлиқ. Улар ёрдамида сиз сирилли олам мўъжизаларидан воқиф бўласиз. Шу кунни камгаплик, имкон қадар бошлиқлар, бегона-

лар билан мулоқотдан тийилиш маъқул.

Ошқозон-ичак йўли ноҳиллаш, хасталиқларга мойил бўлади. Шунинг учун шахсий гигиена ва парhezга, таомлар сифатида эътибор бериш керак бўлади. Қорин бўшлиғида жарроҳлик операциялари тавсия этилмайди — тушларингиз беҳаловат, ноҳус бўлиши мумкин. Уларда оз бўлсада ҳақиқат бор. Лекин бу қандай ҳаёт ҳақиқати эканлигини бир неча ҳафта, ҳатто ойдан кейин биласиз.

● 30 май — chorшанба (Ойнинг 7/8 кунин). Ушбу кеча-кундуз ҳам маънавий, ҳам жисмоний поклиши учун қулай ҳисобланади. Руза тутишингиз ёки гуштили, туҳумли таомлардан тийилишингиз фойдали бўлади. Ақс ҳолда бутун қувватингиз еган таомларингизни хазм қилишга сарф бўлади.

Ошқозон-ичак йўли бироз ноҳиллашган бўлиб, уларни тозаловчи муолажалар яхши самара беради. Таваб-тазаур, бошқаларни кечирадиган кун. Гина-қудуратлардан қалбингизни тозаланг.

Тушларингиз ҳам оғир, ноҳус бўлади. Лекин ташвишланишингиз ҳолати йўқ — улар пуч бўлади.

● 31 май — пайшанба (Ойнинг 8/9 кунин). «Иблис одамларни йўлдан оздиришга интиладиган» кун. Андов ва ёлгонлардан қочиңг. Қўрқув ва сабабсиз безовталардан қочиңг. Қўрқув ва сабабсиз безовталардан қочиңг. Қўрқув ва сабабсиз безовталардан қочиңг.

Буйрақлар хасталиқларга мойил бўлиб, суякчиқларни камроқ ингангизни маъқул. Шунингдек, эндокрин тизими, айнакча ошқозон ости бези безовта қилиши мумкин. Спиртли ичимликлардан ўзингизни тортинг, парhezга риоя қилиңг.

Кўрадиган тушларингиз қанчалки ёрқин ва ҳақиқатга яқин бўлмасин — уларга ишонманг. Кундалик юмушлардан дам олинмадиган кун. Ўз ҳаётингиз, аждоҳларингиз, насли-насабингиз манбалари ҳақида мушоҳада юритишингиз фойдали бўлади. Оқшомни оила даврасида, фарзандлар тарбиясига бағишлаб ўтказсангиз — урст устига аъло нур бўлади. Жисмоний ишларни камроқ қилиб, ҳаммомнинг бўғхонаси ёки саунага тушиш фойдали.

Бод, оёқ, болдир мушаклари оғриғи безовта қилиши мумкин. Ўт пуфгаги, жигарда жарроҳлик операциялари бошқа кунга қолдир туришингиз маъқул. Умуртқа поғонаси, бўйин ва энсанни массаж қилиңг, тузларнинг ёйилишига ёрдам беради.

Тушларингиз башоратли бўлади — айнакча, муҳаббат билан боғлиқ кўрганларингиз ўғиндан келади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУДУДИДА ЯШОВЧИ 9-СИНФНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР
ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
Аниқ ва табиий фанларга қизиқувчи, келажақда кимё, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда нобъ ва нодир металлур, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сонаотларининг юқори малакали мутахассиси бўлиб етишишни астойдил орзу қилган ўқувчиларни институт қошидаги
ЛИЦЕЙНИНГ 10-СИНФИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Лицейга қабул қилинган ўқувчиларни институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари, замонавий таъриб-ўқунлар билан жиҳозланган аудитория ва таърибхоналарда ўқитиладилар.
Шу билан бирга аниқ ва табиий фанлар бўйича чуқурлаштирилган дастурлар асосида тест синовларига тайёрлаб бориладилар. Лицейга кириш учун қуйдаги ҳужжатлар тақдим этилади:
— лицей директори номига ариза
— маълумотни ҳақиқатда қўжатининг асл нусхаси
— туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси)
— яшаш жойидан маълумотнома
— 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома
— 3х4 ҳажмдаги 4 та сурат
Ҳужжатлар 20 июндан 31 июлгача қабул қилинади.
Тест синовлари 1 августдан 10 августгача ўтказилади.
МАНЗАЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Лутғий қўчаси, 8-ўй, 4-қават (метронинг «Хамза» бекатидан 9-трамвайда «Оқтепа» майдонидан кейинги бекатгача борилади)
ТЕЛЕФОН: 173-81-24.

Ўргатилган ҳайвонларнинг машҳур бўлган аттракционли гастроллари 27 майга қадар узайтирилади.
Раҳбари Рустем Паша
Цирк ҳафтада 3 кун ишлайди
Жума кунлари соат 18.00 да
Шанба ва якшанба кунлари соат 12.15, 18.00 да.
Ҳамма томошаларга жамоа бўлиб келиш учун илтимоснома қабул қилинмоқда.
Маълумот учун телефон: 144-32-23

«Шуҳ амал» масъулияти чекланган жамиятининг савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси йўқолганига сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
● Металл черчиқчалар сотилади. Нархи бозорикидан арзон. Тел: 58-14-43.
● Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги 8-мактаб томонидан Мурод Мамуржонович Аҳмаджанов номига берилган О'РА № 039088-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
● Тошкент вилоятининг Пискент шаҳридаги 5-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Дилфуза Эргашева номига берилган ОК-«А» 621273-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ
● Тошкент шаҳридаги 15-Хамза қурилиш касб-хунар коллежи томонидан 1994-1996 ўқув йилида Насриддин Зирқитдинович Пулатов номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

УЧИНЧИ ГУЛШАН

Жаҳон шахарлари ичида Пешохур шаҳри бой-бадавлат, серфаиз эди. Аммо бу шахарнинг султони ўта жафокор, қалби кундузга тўла жоҳил киши эди. Унинг жабуру жафоси ҳаммага машхур эди. Бинобарин, унинг ўлимига барча халойиқ рози эдилар. Унинг сўхбатидан ҳамма безор, мулозимлари эса жонларидан тўйган эдилар. Султоннинг ички дунёси ташки қўринишидан маълум эди. Чунончи, унинг тили захар, қўланса сўзли, қора ўзли, бадбашара, вужуди ўхшовсиз, иш-амали эртаю кеч одамларга жафо исташ билан овора эди. Лекин унинг бир гўзал, оқила кизи бор эди. Унинг жисми зару зевар билан безалган, онги илм чашмасидан жилоланган эди. У фаҳм-фаросат, ақл-идрок, заковатда беназир бўлиб, ҳар қандай мушкул муаммони ақл мезони билан ўлчаб ечарди. У газалда ҳам, мусиқада ҳам ҳамоҳанг эди. Ўзига махсус кўшк бино этиб, ўша ерда яшарди. Бир неча қизлар билан базм тузиб, навою нағмаларни фалак авжига чиқариб, шеърлар битарди. Барчаси бирдек зарбобу, гулгун ҳарирлардан либос кийиб, жаннат ҳурларининг ҳасадини кўзгарди. Буларнинг таърифини эшитган атроф-жонига шаҳзодалар бул гавҳари яктога ғойибона ошиқи бекарор эдилар. Шаҳзодалардан кетма-кет совчилар келардилар. Аммо, султон совчиларни ёқтирмас, ғазаб билан рад жавобин берарди. Агар ўз аёнларидан бирортаси совчилар масаласига аралашса дарҳол бошини кестирарди. Султоннинг бир фаросатли ва билимдон вазири бўлиб, ақл-идрокда беназир эди. Унинг бир ўғли бор эди. Бағоят оқил, хушфелъ, хусун талъатда хуршиди жаҳондек эди. Кунлардан бир кун вазирининг ўғли бог сайри қилиб, атроф дову дарахт, қошоналарни тамошо қилиб юриб беҳосдан малика қасрига яқинлашиб келиб қолди. Итти-фоко, ичкаридан малика ҳам беҳосдан ғазал ўқиб эшикдан чиқиб қолди. Вазирзода маликани кўриб, ишқ ўти голиб келиб, хушидан кетиб ерга йиқилди. Гўё малика шамдек ёниб, вазирзода ўзини шамга уриб қуйиб йиқилди. Вазирзода аҳолини кўрган малика, унинг аҳолига кўп қайғурарди, аммо бирор ердан кўрсатишга ожиз эди. Чунки отасининг ғазабидан кўрқарди.

Бу машъум хабар вазирга етгач, у тезда богга келиб, бу сир султонга маълум бўлмасдан илгарироқ ўғлини олиб кетиш тараддудини қилди. Вазир богга келиб ўликдек ётган ўғлига кўзи тушди. Дарҳол ўғлининг қўлини ушлади. Аммо, ўғли ҳар икки дунёни унутган холда беҳуш ётарди. Вазир ўғлини кўтариб отга ортиб, тезда пинҳона уйига олиб келди. Бу сирдан одамлар воқиё бўлмади.

Вазирзода ни бир неча табиблар муолажа қилсалар-да, би-роқ шифо топмади. Касал кўндан-кун зўрайиб, ахири вазирзода ақлдан бегона бўлиб занжирга тушди. У ҳар дам ошиқона такаллумлар қилиб, атрофга зорланиб боқарди. Юзлари сомондек сарғайиб, қалбига ўт туташарди. Малика вазирзода аҳолидан хабар топиб, бедаво дардга учрагандек тўлган, кечаю кундуз оҳ-фиғон билан нола қиларди.

Кунлардан бир кун султон ўз арқони давлати билан овга отланиб, йўл устида қизининг қўшиқни ёнидан ўтиб бораётганида бог ичидан бир ҳазин овоз билан форс тилида ўқилаётган ғазални эшитиб қолди: Ғазал:

**Чаҳор чиз ғам аз дил барад бавақти баҳор,
Шаробу, шоҳиду, соқий тафарружи гулзор.**

Таржимаси:

**Баҳор чоғида тўрт нарса дилдан ғамни элтади;
Шароб, шоҳид (маҳбуб), соқий ва гулзорда кўнгул очиб.**

Султон бу ошиқона ғазални эшитиб, бир ишни баҳона қилиб отининг жоловини қизининг боғига қараб бурди. Отдан тушиб богга кириб қизини кўрди ва зугум билан қизидан эшитган ғазалнинг мазмунини сўради. Қиз ҳар қанча ҳаракат қилмасин отасини ишонтира олмади. Султон бу киз муҳаббат дардига мубтало бўлибдур, деб, қиличини қинидан чиқариб, қизини чопмоққа шайланди. Қиз отасининг ғазабидан кўрқиб, ғазал мисраларидаги сўзларни ўзгартиришга мажбур бўлди.

**Чаҳор чиз ғам аз дил барад ба вақти баҳор,
Намозу, рўзау, тасбеҳ, чорум истиғфор.**

Таржимаси:

**Баҳор чоғида тўрт нарса одамнинг юрагидан
Ғамни йўқотади намоз, рўза, тасбеҳ, истиғфор.**

Султон бу таажжуб сўзни эшитиб, лабини тишлаб ҳайрон бўлди. Ва лекин жаҳолатга эрк бериб, қаҳрига чидалмай қилич билан қизининг бошини узди. Қиз ўлаётиб бош бармоғи билан деворга қуйидаги сўзларни чизди:

**Жонони маро ба ман биёрд,
Ин мурди танам бадў сипорид.**

Таржимаси:

**Жонони манга келтиринг,
Ўлик танимини унга топширинг.**

То...

То деб туруб қизининг жони узилди. Унинг руҳи фано оламига парвоз қилади.

Султон қизининг деворга эзиб қолдирган хатини кўриб ҳайратга тушди. Айнақса «То» сўзининг давоми қандай мазмун касб этиши ҳақида бош қотираркан, боши говлаб, фикри чувалиб, ҳеч қаерга сиймай қолди. Султоннинг амри билан барча аёну ашроф, уламою фузало, фақиҳу ахли дин ва ахли илмдан қарийб икки минг чоғлиқ фузало йиғилди. Султон уларга мурожаат қиларкан: Эй ахли дониш! Менинг амримни тинглаб, яхшилаб уқуб олинглар! Ҳаммангизга битта вазифа берурман. Ҳар бирингиз тафаккур билан ғазалу латиғлар ёзғайсиз. Зеро, сизлар байту ғазал билан муқаррамсиз, илму амалда улғуворсиз.

Тўрғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



Ҳамон шижоатли ва ғайратли

Тошкент Давлат юридик институтининг доценти Қодир Эрназаров билан илгари ҳам турли тахририятларда кўп маротаба учрашиб, дилдан гаплашганмиз. Бу сафарги учрашувимиз — Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан Тошкентнинг Хотира хиёбонида ўтказилган умумхалқ маросимидан сўнг бўлди. Сўхбатимиз инсон кадр-қиммати улугланаётгани ҳақида борди...

Айтиш керак, сўхбатдошимизнинг ҳаёт йўли ибратли. Қодир ака саккизинчи синфни битириб, Тошхувуз Давлат ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетида тахсил олди. Негаки, болалигидаёқ ўқитувчи касбига меҳри бўлакча эди. 17 ёшида иккинчи жаҳон урушига кетди. 1946 йилнинг августида она юртига қайтди. 1948-1953 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (азирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг «рих факультетида ўқиди. Иқтидорли, билимга чанқок талабага имтиёзли диплом берилгач, уни университетда ўқитувчи этиб ишга қолдиришди.

Қодир ака илмини игна билан кудук қазиш деб билди, тинмай ўқиб-изланди. 1955 йилдан бошлаб ТошДунинг юридик факультетида ишлади. Мана ўн йилдирки, Тошкент Давлат юридик институти муаллими.

Ха, дарвоқе, Қодир аканинг нуруний чехрасио сўзамоллигига боқиб, 75 ёшни нишонлаш арафасида эканлигига ишонқирамайсиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўхбатимиз шу кунларнинг кадри ҳақида борди.

— Бир оддий инсон ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси сифатида тинчлик ва хотиржамликни буюк неъмат деб биламан, — дейди сўхбатдошимиз. — Истиқолимиздан сўнг инсоннинг шаън-шавкати алоҳида кадрланаётганини кўриб, тўлқинланиб кетаман...

Қодир ака бир зум сукут сақлаб қолди, нигоҳини Мотамсаро она ҳайкалига қаратди. Нималарнидир ўйлади, лаблари оҳиста пичирлади. Сўнгра дилидагини айтди.

— Собик аскарман. Тинчлик соғинчини алангали уруш йиллари кунма-кун санаб кутганмиз. Демокчиманки, ҳаётда сен билан юрганларга секин улашиш — катта бахт, ўтганларни ёдга олиш — катта савоб. Хотира ва Қадрлаш кўнининг нишонланиши миллий кадрларимиз руҳига тўла мос тушади. Ёшларга келсак, улар эртанги кунимизнинг чинакам ворисларидир. Ёшларимиз камолоти бугунги ҳаракатларимизга боғлиқ...

Қодир ака Эрназаров билан сўхбатимиз ҳаяжонли кечди. Сўзларини тинглаб, унинг чехрасига яна бир бор қарайман. Кексаларга хос виқорли кийими ярашиб турибди. Қўксига Ўзбекистон Республикасининг «Жасорат» медалли...

Ха, кексаликка ён бермаётган, ёшлардек ғайрат-шижоатга тўла Қодир акага чиндан ҳам ҳавас қилса арзийди...

Ҳамид СУЛТОНОВ

СУРАТДА: Қодир Эрназаров талабалар даврасида.

Сени унутмайман, синфдош!

Қатра

Май ойининг сўнги кунлари. Мунаввар ва муссаффо оппоқ тонг отмоқда. Кўёнинг жилвагар нурлари борлиқни аста қиздирмоқда. Кимдир шошиб ишга, кимдир ўқишга йўл олган. Ҳамма ўз иши билан машғул. Ногоҳ қулоғимга жаранлаган ёқимли овоз эшитилди. Бу ўша хотирамда бир умрга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган кўнги-роқ овози.

Қўлимда гул билан боғча опаларимиз билан хайрлашиб, мактаб кучоғига қадам қўйган дамларим бир-бир кўз олдидан ўтди. Ҳар томонга бир олам кўнорч ва хайрат билан боқаётган жажжи ўғил-қизларни мана шу жаранлаган кўнги-роқ овози ўз бағрига чорлаган, меҳрибон устозлар кучоқ очиб қутиб олишган эди. Мана гурур билан парталарга ўтирдик, биринчи устозимиз — меҳрли-муҳаббатли, самимий инсон кириб келдилар. Аввал ўзларини, кейин бирма-бир синфдошларни таништирдилар. Йиллар йилларни қувиб ўтаверди.

Ҳаш-паш дегунча юқори синф ўқувчилари бўлдиқ. Ўша мактабга илк қадам қўйган дамда бола эдик. Устозларимиз, меҳри дарёлар туфайли илм олдиқ, улғайдик, камол топдик. Кейин эса, ҳаммамиз ўз ҳаёт йўлимиз томон қадам қўйдик. Ўша кунларда синфдошларим кўзларида айриллик, бир томондан қувонч кўз ёшлари қалқиб турарди. Бир-биримиз билан сизра ажрашгимиз йўқ. Лекин на илож. Вақт олий ҳакам. Мана, сўнги кўнги-роқ чалинди. Хайр, синфдош!



Хайр, азиз мактабим! Хайр, азиз устозлар!

Ўша дамларни эсласам, синфдошларим билан бирга ўтган шўх, шодон болалик, дарсларда талашган - тортишган, гоҳида тўполон қилиб дунёни бошимизга кўтарган, беғубор, бетакрор лаҳзалар бир-бир кўз ўнгимдан ўтади. Қани энди у дамлар қайтса, беғубор ёшлик, қайтмас болагим!

Сени унутмайман, синфдош, сени соғинаман кадрдон мактабим, сизни соғинаман азиз устозим, сени соғинаман қайтмас болагим!

**Сўнги кўнги-роқнинг сизли оҳанги,
Қалбларни титратиб забтга олар.
Наҳот болаликнинг шавқли жаранги,
Эҳтирос сеҳрини юлқиб, тинч қолар...**

Устозлар қадрини билган кам бўлмас,
Улардан бир умр қарздорим қарздор.
Эзгулик боқийдир — ҳеч қачон ўлмас —
Эзгулик йўлида бўлайлик пойдор...

Шоира МУҲАМЕДОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-Оз Ҳўганиб Домо бўлур...

● Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошингга соладикки, кейин душман чангалидан қочиб кутула олмайсан.

● Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

● Заиф, кўрок, алдамчи дўстдан душман афзал.

● Сукрот ҳақим айтди:
— Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очик юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстлиқнинг бошлангани мадҳ-сано биландир.

● Араб фозилларидан Асмай айтди:
— Мен бир кун дўстини кўргани бордим. У бир киши сирағлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосга ўтиришга таклиф этди. Шунда мен:
— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф этасан, — деган эрдим, у айтди:
— Икки душман бутун бир ер юзига сиймайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сийга олади.

● ҚИССА: Тўя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир кун тулки ўзича ов қилиб юрган экан, оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганида тулки унга ёлворибди:
— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, сергўшт, мен эса бир кичик, озгин, нотавон махлўқман.

Шер дебди:
— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман. Шер ташлаиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

● ХИССА: Дўст танлашда шошилмаслик керак. Аввал уни санаб, сўнг эътиҳод этмоқ даркор. Ҳўнгиз ҳам дўстлик илларини бевафалик, гаддорлик болтаси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:
Кимки дўстлиқни хор айлабди, уни — Қисмат жазолагар — чиқиб тутуни.

● Камолотга илмсиз етишиб бўлмайди ва бундай киши улғулдан узокдир.

● Худбинлик ҳар бир гуноҳдан кўра оғирроқдир. Худбин киши ҳеч қачон улғулик даражасига етолмайди. Ойни қара — жамолни кўрсатур, икки ҳафта худбинлик қилгани учун чоҳга қулаб кўринмай кетади.

Байт:
Илм қидирсанг улғу бўларсан, Ҳаёт фаровон, нурга тўларсан.

● ХИҚМАТ: Сен то қуватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилик йўлини тут. Шунда сен саодат чаманидан мудоао гулини терасан. Ҳўки қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун ва қип-қизил. Камон эгри бўлгани учун ип билан боғланиб, банд қилинган.

● ХИҚОЯТ: Бир кун даррахт билан унинг сояси орасида баҳс пайдо бўлди. Дарахт сояга деди:
— Эй қора юзли соя, жигар-бағри садлора, сен менинг борлигим учун борсан, мен туфайли барҳаётсан. Демак, шундай экан, манманлик қилишинг ва керилишинг нимаси?
Соя деди:
— Эй лақма, бемаъни сўзларни айтишдан бир дам тийил, ҳўнгини йиғиб ва мендан юз ўғира кўрма, ҳовлиқиб бўйинингни чўзмагинки, уни узиб олмайсинлар. Мен доим хокисор бўлиб, ерга ястанганим учун кун тигидан одамларни озод қилиб, роҳат бағишлаганим учун обрўйим балинд. Катта ҳам, кичик ҳам менинг инсонпарварлигимдан баҳраманд бўлади. Беқарорлигиндан гоҳ яланғоч бўлиб олсанг, гоҳ яшил либос билан ўзингни безайсан.

Дарахт соянинг гапларини эшитиб, унга шундай жавоб берди:
— Эй соя, ҳаддингдан ошма, паст ҳиммат кишилар каби лофқоф урма. Эшитмаганмисан, кўршапалак офтоб билан ўчақийса, ўзини ҳалок қилади, шийа тош билан тўқнашса, ўзини синдиради.

Уларнинг баҳсини эшитиб турган булбул сояга хитоб қилиб деди:
— Эй соя, эй туз ҳақини билмаган ношукр, бу бемаъни сўзларни кўнглинг ойнасидан юлиб ташла, кимки ўз пойига теша урса, ўзи қулайди, сенинг ҳаётинг дарахтага боғлиқ.

● Ҳар бир нарсанинг қалити бор. Жаннатнинг қалити — мискин, фақирларни севишдир.

● Кураш тушиб йиқитган эмас, балки қазаби келганда ўзини босиб олган одам кучлидир.

● Бойлик молу дунёнинг қўлиги билан эмас, балки нафсининг тўқлиги билан.

● Кимки қилмишига пушаймон бўлиб, узр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам тангри қиёмат кунини кечирур.

● Ғийбат — юракнинг бедаво касали. У қалбимизни яралайдиган муҳдиш оғудир.

● Кишилар ҳаловатига ғийбатчилик зарар келтирадиган бошқа иллат йўқдир, зеро бу касалга учраганлар нафақат ўзларини қийнашади, балки ўзгалар қувончига ҳам раҳна соладилар.

Байт:
Биродар, ҳар кимки айласа ғийбат, Лойикдир ундайга дейилса лаянат. Бундайларнинг жойи жаҳаннам бўлур, Ғийбатчига билсанг бу ҳам кам бўлур.

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Совутгич қачон пайдо бўлган?

Аслида одамлар озиқ-овқатларни азал-азалдан совуқ жойларда сақлаб келишган. Шунинг учун ҳам қандай бўлмасин совутгич яратиб кўп олимларнинг қизиқтирган ва айнан шунинг учун бўлса керак, уч олим — англиялик Жон Лесли, франциялик Франсуа Карре ва германиялик Фердинанд Виндхаузенлар деярли бир вақтнинг ўзиде, яъни XIX асрнинг ўрталарида бири-биридан бежабар ҳолда

совутгичлар ихтиро қилишган. 1887 йилда Парижда бўлиб ўтган саноат кўргазмасида биринчи марта совутгич намойиш этилган. Улар содда, катта, бироқ тежамсиз эди. Бундан ташқари ҳаракат тартибидоимий эмасди. Озиқ-овқатлар 2-3 кун сақланарди, холос. Аммо бу янгилик ўша вақтда барибир катта шов-шувга сабаб бўлган.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.

БЕКА

Сутли мошхўрда

Бу таомни ҳозирги пайтда кўпчилик нутиб юборган. Лекин, сутли мошхўрда кўкларнинг «илиқузилди» пайтларида кишини тўқ ва бақувват тутайди. Қозонга озгина сув қуйиб, яхшилаб ювиб тозаланган бир ё икки пиёла мош солинади. Мош очилгач ярим пиёлача гурунчи ҳам ювиб соласиз. Пишиш даражасига етгунча қайнатилади. Сўнг икки литрдан зиёдрок сут қуйиб, яна ярим соатгача милдирашиб қайнатилади. Тузунини ростлаб, қозон қопқоғини жиқслаб ёпиб таом дам едирилади. Пишган таом қосаларга сузилиб, юзига эритилган сарёғ қуйиб дастурхонга тортилади.

Азиза МУҲАМЕДОВА

БҲШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Ёйлар бўйича: 1. Давлат рамзи. 4. Ойбекнинг тарихий романи. 7. Қозок халқ шоири ва ўқини. 10. Сановатда ишлатиладиган ўткир хидли рангсиз газ. 13. Наманган вилоятидаги шифобахш маъдан сувли маскан. 16. Эрондаги тарихий шаҳар. 19. Миллий ширинлик тури. 22. Дунё томонларини кўрсатувчи асбоб.

Диагонал бўйича: 2. Илм-фан соҳаларини муқаммал эгаллаган атоқли инсон. 3. Фарбий ярим шар шимололидаги мамлакат пойтахти. 5. Уруш-жанг қуроллари мажмуи. 6. Тожикистондаги шаҳар. 8. Инсоний фазилат, истихоло. 9. Дурадгорлик асбоби. 11. Кишиларнинг турли жиҳатларига мувофиқ муштарак бирлиги. 12. Адоват қушандиси. 14. Ўзбек маърифатпарвар шоири. 15. Хоразм диёрида яшаб ижод этган мумтоз шoir, таржимон, тарихнавис олим. 17. Техника ва қишлоқ ҳўжалигида кенг ишлатиладиган аммоний ашё-си олинадиган гилсимон маъдан.


18. Кадрдонлик, дўстлик тўйғуси, меҳр. 20. Мусиқада жуда паст дўғон овоз. 21. Осмон жисмининг фазода бошқа бир жисмининг тортиш қуввати таъсиридаги ҳаракат йўли. 23. Қора денгиз бўйидаги порт шаҳар, вилоят маркази. 24. Ерўғлик, шўъла.

Ёйлар бўйича «занжир» холида: 25. Қадимги юнон олими Платоннинг аҷам халқлари ўртасидаги номи. 26. Барглари йирик, оқ рангда очилувчи кўп йиллик сув гули. 27. Қуйидаги ҳикмати ёзиб қолдирган форс-тожик мумтоз шоири.

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

28. Воқеа-ҳодисалар даврлари бўйича қайд этилган манба. 29. АҚШ жанубидаги штат. 30. Ер қуррасининг шимолӣ ҳудуди. 31. Транспорт тури. 32. Сут махсулоти тури.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг 18 май сониде чиққан бошқотирманинг жавоблари:

Муаммонома
Оққич сўзлар: 1. «Халқ». 2. Унар. 3. Фикҳ. 4. Коший. 5. Эҳсон. 6. Гадоий. 7. «Бўстон». 8. Геометрия.
Ҳикмат: Эй, энг яхши одам ким, деб сўрагин. Айтайин, ким бўлур энг яхши одам. Энг яхши одам шу — кимдан халқига Қаңқадидир наф тегар ҳар кун, ҳар дам. **Шайк атрофида:** 1. Наргис. 2. Семурғ. 3. Гижжак. 4. Колумб. 5. «Бузрук». 6. Крилов. 7. Вилоят. 8. Термиз. 9. Зулфия. 10. Япония. 11. «Яла-вон». 12. Нейлон. 13. Нодира. 14. Аққа. 15. Азон.

«02»: ХОДИСАЛАР

● М. Улуғбек туманида ҳеч қаерда ишламайдиган В. Владимир талончилик йўли билан ўзгалар мулкига кўз олайтириб, қупа-кундуз кунни аёллар бўйнидаги тилла занжирларни юлиб олиб кетишини ўзига қасб қилиб олди. Йўлда кетаётган Р. А.нинг бўйнидаги қимматбаҳо тақинчоғига чанг солиб, олиб кетаётганга қалбимизи фош этилди.

● Яққасарой туманида С. М. ҳеч қаерда ишламай бекорчиликдан «Тезиков» бозори ёнида шум ниятини амалга оширишда ўғирликка қўл урди. В. Ляпиннинг савдо растасидан телефон микрохемаларини ўғирлаб кетаётганида далилий ашё билан қўлга олинди. Ҳозирги кунда содир этилган жиноят зоясидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

● Шайхонтоҳур туманида бекорчи Ж. Б. «Гулобод» маҳалласида яшовчи Р. А.нинг хонадонига эшик қулфини бузиб кириб кийим-кечаклари ва 65.000 сўм пулларини ўғирлаб кетаётганида ички ишлар ҳодимлари томонидан ушланди.

● А. Икромов туманида бирор ишинг эътигадан тутмай ўзгаларни кўрқитиш эъзаига боғлиқ орттириш ниятида юрган К. Х. Чилонзор туманида яшовчи Р. Д.ни кўрқитиб бўйнидаги тилла занжирини, биллак узугини ва 1400 сўм пулини тортиб олаётган вақтида оқсоғилталик посбонлари томонидан қўлга олинди. Эндиликда у қилган қилмишидан афсус қилиб ер қизиб ўтирибди.

● Чилонзор туманида ЖБК ҳодимлари томонидан Р. А. тўхта-тиб текширилганда ёнидан геронин ва опий гивёндан моддалари олинди. Ҳозирги кунда инсон соғлиғига кучли таъсир этувчи оғуни тарқатиб юрган «оғу» фуруш қонун олдида жавоб бермоқда.

● Миробод туманида номаълум шахс қалип танлаш йўли билан Л. Л.нинг уйдан 2500 АҚШ доллари ва 60000 сўм пулини ўғирлаб кетганлиги ҳақида ИИБга хабар тушди. Зудлик билан қўрилган қора-тадбирлар натижада ушбу ўғирликни ҳеч қаерда ишламайдиган М. Р. содир этганлиги аниқланди.

● Чилонзор туманида номаълум шахс Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғида Ф. К. га нисбатан безорилик қилиб тан жароҳати етказган. Натижада Ф. К. бурун суягининг синиши таъсири билан касалхонага ётқизилган. Ички ишлар ҳодимлари томонидан қўрилган қора-тадбирлар туфайли безорилик билан шуғулланиб, ўзгалар тинчини бузаётган Ф. М. ушларичи, ҳозирги кунда терговчи саволларига жавоб изламоқда.

● Сирғали туманида Ш. О. пиёз олиб бераман деб Т. К.нинг ишончига кириб 450.000 сўм пулини олиб қайтаришини хаёлига ҳам келтирмай зимдан гоийб бўлди. Баднафслик оқибатида йимон, виждонидан айрилган Фиррибгар тумшугидан илинди.

● С. Раҳимов туманида ҳайдовчи Г. У. ўз автоуловидеа пиёда С. В.ни уриб юборди. Ҳаракатланмиш хавфсизлиги қондаларига рияқ қилмай катта тезликда кетаётиб бир инсонга жиддий жароҳат етказган «шоовоз» ҳайдовчи қўзлаган манзилига ета олмаб бош эғиб ўтирибди.

● Яққасарой туманида тадбиркор Т. У ўзаро жанжал оқибатида турмуш ўртоғи З. Х. га тан жароҳати етказган. Бугунги кунда фарзандларини зир қақшатиб оиласига тинчлик бермаётган «безори ота» қилган ишидан уялиб, афсус чекиб ўтирибди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази жамоатчи муҳбири.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНААР:
хатлар — 133-29-70,
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.
Ҳақини — 2 босма табоқ объект усулида босилади. Кого бичини А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Узбекистани Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.